

## ЎЗБЕКИСТОН ЛИБОС ДИЗАЙНИ ВА ЖАҲОН САНЪАТИ: АНЪАНА ВА ИННОВАЦИЯ

Эътибор Мирзаназарова Ядгаровна

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик  
ва дизайн институти ўқитувчиси, с.ф.ф. доктори (PhD)

E-mail: [abidovaetibor@mail.ru](mailto:abidovaetibor@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон либос дизайнига оид авангард йўналишида яратилган асарлар тарихи илмий жиҳатдан ёритилган. Хусусан, ҳар бир дизайнернинг ижодида ўзига хос хусусиятлари, шакли ва безаклари тадқиқ этилган. Асосий эътибор тарихий даврлардаги тасвирий санъатда авангард йўналиши бўлганидек, либос дизайнни санъатида ҳам авангард йўналиши мавжудлиги, модада авангарднинг манбаси интеллектуал гоялар, мусиқий оқимлар, ёшлар ҳаракатида акс этган унсурларга қаратилган. Дизайнерлар ижодидаги индивидуал-муаллифлик изланишлар натижасида яратилган либос намуналари тарихи таҳлил қилинди, яратилиши жараёнлари ўрганилди, таснифланди ва илмий тадқиқот ишлари ўрганилди.

**Калим сўзлар:** ўзбек модаси, дизайнер, авангард, стилягалар, хиппилар, панклар, попперлар, шголик модасининг издошлиари ва фриклар.

## UZBEKISTAN DRESS DESIGN AND WORLD ART: TRADITION AND INNOVATION

### ABSTRACT

This article scientifically covers the history of avant-garde fashion design in Uzbekistan. In particular, the unique features, shapes and decorations of each designer have been studied. The main focus is on the presence of avant-garde direction in the art of clothing design, as well as the avant-garde direction in the visual arts of historical periods, the source of avant-garde in fashion is intellectual ideas, musical currents, elements reflected in the youth movement. The history of clothing samples created as a result of individual-authorial research in the works of designers was analyzed, the processes of creation were studied, classified and researched.

**Keywords:** uzbek fashion, designer, avant-garde, stylists, hippies, punks, poppers, Shgolic fashion and freaks.

## КИРИШ

Ўзбекистон лиbos дизайнни тарихини тахлил қилиш, сақланиб қолмаган асарлар наъмуналарини тиклаш ҳамда таъмирлаш жараёнларини ўрганиш, таснифлаш илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топмаганлиги мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди. XX аср лиbos дизайнни асарларини илмий-амалий ўрганилиши тарихий қадриятларни сақлаб қолишида муҳим асосий омил ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тарихий ёндашув, холислик, илмийлик, тарихий-қиёсий ҳамда умумлаштирма таҳлиллар асосида хulosалар бериш, тизимлаштириш тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қиласди.

## НАТИЖАЛАР

Тадқиқотда келтирилган маълумотлар илмий асосга эга бўлиб, унинг асосий хulosалари моддий маданий мерос ёдгорликларини тадқиқ этишда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари тизимида маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда фойдаланиш мумкин. Қадимги даврга оид осори-атиқаларни ўрганиш, уларни максимал даражада сақланиб қолинишига имкон яратади ва уларнинг тарихий-маданий, илмий ҳамда бадиий қимматини очиб беради.

Тасвирий санъатда авангард йўналиши бўлганидек, лиbos дизайнни санъатида ҳам авангард йўналиши мавжуд. Илк бора лиbos санъатига авангардни К.Малевичнинг шогирдлари Е.Попова, Ю.Степанова, Н.Ламанова ва А.Экстерлар олиб киргандар. Улар амалий санъатдан воз кечиб конструктивизм принципларини енгил саноат ва амалий санъатда қўллаш йўлидан борганлар [1. – С. 143]. Ўз вақтида авангард модасининг ривожига кубизм, сюрреализм, поп-арт, концептуал санъат, хиппининг, перформанслар таъсир кўрсатган. Модада авангарднинг манбаси интеллектуал ғоялар, мусиқий оқимлар, ёшлар харакатидир. Авваллари авангардистлар деб стилягалар, хиппилар, пакилар, попперлар, шголик модасининг издошлари ва фриклар ҳисобланганлар. Ҳозирда эса юқорида номлари қайд этилган замонавий оқимларнинг костюмларидаги элементлари замонавий гардеробдан ўрин олди.

Авангард французча сўз бўлиб, бир қадам олдинда юриш маъносини билдиради. Мода оламида ҳам худди шундай. Ушбу йўналиш модада ғоя даражасида туради ва барча стилларда, яъни, классик, спорт, этно, ретро ва ҳоказоларда намоён бўлади. Haute couture ва прет а порте йўналишларида ҳам

кенг қўлланилади. Лекин кундалик ҳаётга мўлжалланган либослар авангард йўналишида оммага таклиф қилинса, уни омма қабул қиласлиги мумкин. Агар костюмдаги элементлар омма томонидан қабул қилинса у авангард бўлмай қолади. Авантгард костюмларига экстравагантлик ва аввалгиларига ўхшамаслик хосдир. Бу ерда ижодкорнинг фантазияси катта ўринга эга бўлиб, мавзуга замонавий деган тушунча билан эмас, балки образга концептуал ёндашиш ва барча йиллар давомида шаклланган канонларни бузиш мумкин, агар у ғояга хизмат қиласа [4. – С. 30-32 ]. Асосийси ижодкор ўзини ҳеч нарсада чекламаслиги кундалик ҳаётдан илгарилаган ҳолда, келажакка назар ташлаб, реал бўлмаган воқеа ва ҳодисаларни ўзи орзу қилган костюмда гавданлантироғи лозим.

Авантгарднинг манбаси сифатида диффуз услуби яъни, стилларнинг қўшилиши хизмат қилиши мумкин. Ягона ансамблда бир неча услуб ҳамоҳанглиги тушунилади. Юқори модада, подиумда эса стилларнинг нотабиий аралашуви, бир-бирига мос тушмайдиган нарсаларнинг йифиндиси, барча оригинал матоларнинг қўлланиши ёки образда барча дизайнерлик ғояларининг мужассамлиги мавжуд [3. – С. 63 ]. Умуман авантгард йўналишида ижод қилиб кийимлар термасини яратиш янги матолар пайдо бўлиши ва бир неча услубларнинг аралашуви туфайли юзага келади. Бунда жамиятда юз бераётган сиёсий – ижтимоий воқеаларнинг ҳам ўрни катта. Авантгард санъати анъаналарини ўзбекистонлик дизайнерлар А.Ашурбоев, Л.Бобоева, Л.Сайфи, Р.Кайфиева, Д.Тен, А.Маньшаев, С.Амир, А.Дробешев, Л.Маъдиева ва бошқа ёш дизайнерлар ижодида кўриш мумкин.

1997 йилда Пятигорс шахрида бўлиб ўтган ёш модельерлар ва дизайнерларнинг Халқаро «Подиум» конкурсida ТТЕСИ қошидаги «Модалар театри»нинг ёш модельерлари «Авантгард» номинациясида 1 ва 2 ўринни эгаллаган. «Бизнинг «Товус» ва «Бону» коллекцияларимиз модели, - деб ёдга олади X.X.Камилова, Ўзбекистон Республикаси «Осиё рамзи» модельерлари уюшмаси раиси, - миллий мато бўлмиш хонатласдан тикилиб, ноанъанавий услубий ечимда тайёрланган. Ёрқин рангларда, сержило рангларга бой бўлган модельларнинг оригиналлиги билан кўпчиликда илиқ таассурот уйғотти. Коллекция ўзида миллий костюм элементларини моданинг замонавий йўналишлари билан муваффақиятли уйғунлаштирган» [5. – С. 86-89]. Либос тўпламида ретро-модерн услублари уйғун қўлланилган.

Л.Бобоева ижодида авантгард санъати ретро ва модерн услубларининг аралашуви, қадимги либослардаги элементларнинг замонавий костюмдаги янгича талқини либосларнинг ёрқинлигига намоён бўлган. 1999 йил Бокуда ёш дизайнерларнинг «Шаҳаншоҳлар саройидаги кеча» танловида дизайнер

«Анъанавий усулларни ноанъанавий қўллаш» номинациясида мукофотланган. Унинг авангард йўналишида киритган янгилиги: «Лола Бобоева бир пайтлар тақиқланган паранжининг ранго ранг бўзидан тайёрланган алак (қора матога кўк ва яшил чизиклар солинган) қисмини биринчи бўлиб замонавий либосларда қўллади» [4. – С. 21].



*Артём Дробешев ижодидан намуналар*

Д.Усманова ва Н.Юнусходжаевалар ижодий дуэт сифатида яратган тўплами замонавий. Яқин Шарқнинг пластик енгил чизгиларидан илҳомланиб, ҳозирги кунда оммабоп бўлган тенденция – минимализм, “ўта катталик”, кесимдаги баъзи “усулсизлик” ва оддий тугатиш билан юмшоқ трикотаж мато мукаммал бирлашган. Ноодатий шаклдаги елкалар ва енглар билан тасдиқланганидек, тажриба ўтказиш истаги ушбу истеъдодли дизайнерларга хос хусусият.

Н.Бахтиёрова ва З.Талиповалар коллекцияни яратишга илҳомланиб, кузги баргларнинг тўкилиб тушиши рангларини мужассам этганлар. Улар каштачилик ёрдамида куз учун иссиқ тусли кундалик кийимларни тақдим этишган, улар урфодатларни янгича бир хил безакли услуби ўйинини қўллашган. Кўйлакнинг бир неча қисмларида ёрқин рангли кашта, шунингдек юмшоқ трикотаждан тикилган четлари ёрқин рангли иплар билан кашталанган шарф билан тўлдирилган. Тўпламнинг асосини худди шу шаклдан илҳомланиб, эркаклар курткаларига ўхшашиб изоляция қилинган қалта курткалар ташкил этади.

У.Юсупованинг (UMI) тўплами концепцияси ўзбек аёлининг ташқи қиёфаси эволюцияси бўлиб, ўтган асрга хос. Дизайнер буни коллекция асоси сифатида ишлатилган эски қадимги шакли орқали етказган. У бу шаклни янги моделларга ўзгартириб талқин қилган. Тўплам ёпиқ классик кўринишдан бошланади, сўнgra аёллик тарофатини таъкидлайдиган моделлар ва ниҳоят – кўйлакда мужассамланган жинслар тенглиги намоён бўлади. Дизайнер кесилган метаморфозани порлаш учун монокроматик диапазон ва табиий матоларни

танлаб, тасвир учун қизиқарли услубий ҳаракатни амалга ошириб, сочлар учун бантлар, турли кўзойнаклар ва бошқа аксессуарлар билан тўлдирган. Булутлар ичида парвоз қилмоқда, бундай кайфият унинг тўпламида романтик дунёқарашга эга аёл қиёфаси акс этган. Муаллиф фақат ҳавода сезилиши мумкин бўлган енгиллик, вазнисизлик ва эркинлик кайфиятини етказмоқчи эди. Биргина тасвир доираси билан чекланиб қолмаслик, аксарият гипостазларда ўзини синаб кўриш истагини келтириб чиқарадиган озодликнинг ифодаси. Ёрқин олтин иплар шаклида ҳаво гази, кварцга қарши ипак, оқимли силуэтлар ва безаклар билан тўлдирилган.

М.Қосимбоева ўзининг услугуга, яъни миллий каштадўзлик санъатига содик қолган ҳолда оммага замонавий бой нақшинкор моделларни авангард йўналишида тақдим этди. Унинг уйғун ранг гаммаси, нақшларнинг схематик жойлашуви бир хил ва содда безатилган, бу безак коллекцияни бир тизимли бўлишига қарамай, монотон қўринишга олиб келмаган. Дизайнер қўлда тайёрланган кашта безакларидан фон сифатида лаконик силуэтдан фойдаланган ҳолда костюмларни яратган.

Дизайнер Азиза Зи классик услугуни афзал қўради. Шунинг учун классик шакллар ва нисбатларни танлаб, аёл танасининг табиий гўзаллигидан илҳомланди. Тўпламда юбкалар ва Dior услугидаги янги қиёфадаги кенг юбкалар ўрин олди. Барча лиbosлар консерватив бўлмаса ҳам эгасининг аёллигини таъкидлайди. Ретро услугининг коллекцияга таъсири дизайнер услуг учун танлаган аксессуарларда сезиларли намоён бўлган. Булар қўлқоп, классик пойабзал ва пайпоқлар. Асосий матолари бахмал ва атлас бўлиб, лиbosлар аппликация ва кашталар билан безатилган.

Н.Аҳмедова ўзининг ғайриоддий палитраси ва матонинг турини – икат техникасидан фойдаланган ҳолда ягона гаммадаги кулранг ва оқ-кулранг адресларни ҳайратомус ишлата олган. У европага хослик услуби билан фасон чизиқларини моҳирона қўллаган. Дизайнер Париж услуби ва ўзига хос дизайнерлик аломатларидан фойдаланган ҳолда ўзбек модасига француз жозибасини олиб кирди. Коллекция сержило ва жиддийроқ қўринишга эга, аммо шу билан бирга муаллифлик “хийла-найранглари” бор – икки ёқали, енгли, конструктив катталаштирилган чўнтаклар пальтода дарҳол сезилмайди. Унинг костюмлари, кўйлаги 80-йиллар эстетикага хос кенг елкалари туфайли жуда замонавий қўринади. Бошқа томондан, анъанавий ўзбек кийимларидан илҳомланган, кардиганнинг эгилувчан елкалари ва кичик енглар ҳозирда трендга айланган.

Замонавий ёшлар модасини яратишда матоларга ижодий ёндашган модельер Д.Теннинг ижодида конструктивизм усулида яратилган бир қатор либослар тизими ўрин олган. Этно-модерн стилларидан кенг фойдаланиб, костюмларда бекасам, хонатлас ва шойи каби ўзбек миллий матоларини қўллаб уларга ўзгача кўриниш берган. Унинг «Transformульки» деб номланган коллекциясида муаллиф либос лойихаси устида мукаммал иш олиб бориб моделлаштириш борасида профессионал мактабга эгалигини кўрсатди. Бу либослар тизимидағи ҳар бир модел алоҳида бир неча кўринишга эга. Бир вақтнинг ўзида бир неча ҳаракат ёрдамида классик услубидаги либос спорт кийимида айланади ёки кўкрак қисми бир шаклдан иккинчи шаклга, бел чизифидан пастки қисм юқори бўлакда юз берган ўзгариш натижасида ўз шаклини, узунлигини, калталигини ўзгартиради. Фасондаги ўзгаришлар ёрдамчи тақилмалар ёрдамида амалга оширилади. Моделлар ёшларнинг кундалик кийиб юришига мосланган. Жозибадор бичим ва шаклга кўра бу либослар дархол эътиборни тортади.

“Д.Тен бу ижодий ишнинг бутун нозикликларини эгаллаб олган: унинг ишларида бичим технологияси, яратилаётган либосга ижодий ёндашилганлиги яққол сезилиб турибди. Либос, пойафзал, безаклар бир ансамбль тарзида яратилиши санъаткорнинг ўзига хос иш услубини намоён этади. Либосга қўшимча безак, аксессуар сифатида айнан ўша матодан (яъни хонатлас ва бошқалардан) сумка ёки белбоғ қўшилиши натижасида ягона мажмуанини ташкил этган” [5. – С. 22].

С.Муратходжаева замонавий йўналишда экспериментлар, изланишлар олиб бориб, либос тўпламларини яратган. Ушбу ижодкорни илҳомлантирувчи аввало она табиат бўлиб, ундаги мўъжизалар, қадимги меъморий ёдгорликлар, халқ оғзаки ижоди, инсон қўли билан яратилган ноёб дурдона асарлар дизайннерни ноодатий ғояларга ундейди. Унинг «Импрессионистлар» коллекциясида импрессионист ва постимпрессионист, ҳамда сюрреалист рассомлар асарларини либосдаги талқини кўз ўнгизда намоён бўлади. Либос - картина, яъни ҳар бир кийимни гир айланиб томоша қилинса ягона асрнинг ҳақиқий нусхаси. Дизайнернинг асосий мақсади – XIX асрнинг буюк ижодкорлари О.Ренуар, П.Гоген, Винсент Ван Гог, Эдгар Дега, П.Пикассо, Тулуз Лотрек, С.Дали ва бошқа рассомларнинг энг машҳур асарларини либосда мужассам этиш бўлган. Матоларнинг барчаси шойи бўлиб, уларни дублиринга ғижимланган холда ўрнатилиб, машина ва қўл чокида абстракт чизгилар билан чокланган фонда асарлар қўлда кашталанганди, хажми ва ранглар гаммаси асл холича қилинган [6. – С. 30].



*Саодат Муратходжаева ижодидан намуналар*

Д.Томилин мода оламида ўзига хос янгилик яратди. У миллий мато бўлмиш атласни ёмғирли, нам оби-ҳавода кийиш ва уни хўлланиб ўзгаришидан ҳимоя йўлини ўйлаб топди. У хонатласни полимер плёнкаси билан қоплаб, матони ламинациялади. Анъанавий матоларга ноанаъанавий услубда ёндашиш ушбу дизайнерга хос хусусият. «Куз жилолари» либослар тўпламида айнан юқорида келтирилган услуб қўлланган. Аёллар ва эркаклар курткаларини яратиш жараёни жуда мураккаб, тайёр бичиб олинган деталларга пленкани иссиқ ҳолида ўрнатиб, устидан маҳсус иплар билан чокланган, клеёнка матодан ажралиб кетмаслиги ва ягона матони ташкил этиши учун. Иш жараёнида пленка совуб қолса, керакли фасон қисми ўхшамаслиги мумкин. Шунинг учун дизайнер ўта эҳтиёткорлик ва масъулият билан ишлаганлигини кўриш мумкин. Кундалик кийишга мўлжалланган куртка, пальтолар ҳар бири ўзига монанд сумкалар, қора жинсидан турли фасондаги юбка ва шимлар билан тўлдирилган. Оёқ кийим эса анъанавий маҳси бўлиб, хонатласнинг ялтироқлиги билан уйғунлашган. Матонинг рангин чизиқларидан унумли фойдаланилган.



*Денис Томилин ижодидан намуналар*

Д.Томилиннинг матолар билан ишлашда яратган яна бир янгилиги у шойи матосини қайнатиб, уни ювилишга қулайлик хусусиятини оширди ва улардан 2013 йилда яратилган «Ранг-баранг Иплар» коллекциясини яратди. Қадимдан шойи матосини эркаклар кийиши ман этилганлиги ислом маданиятида удум бўлиб қолган. Шунинг учун дизайнер наперник матосига батик бўёклари билан шойи матосидаги абрли суратларни тушириб, устидан турли рангдаги иплар ёрдамида ноодатий чокланган абстракт чизгилар билан тўлдирди. Либослар мураккаб конструктив ечимга эга. Умуман мазкур тўпламдаги либосларни яратиш жараёни анъанавий тўндан бошланган. Бугунги кунгача етиб келган миллий тўнлардан бирини дизайнерга совға тариқасида беришганда туркум тўнлар тўпламини яратиш ғояси юзага келган. Тўнларнинг бичилиш-тиклиш қонун-қоидасидан йироқлашмаган ҳолда ёркин рангдаги эркаклар пиджаклари тўплами юзага келган. Уларнинг барчаси астарли, сентеватинли, турли узунликда ва қавилган. Коллекциянинг яна бир ўзига хослиги шундаги чармдан тикилган шимларнинг этак қисми оёқ кийимга ўтиб кетган, яъни шим ва оёқ кийим ягона қилиб ишланган.

Ижодкор асарларида нафақат миллий матолар, балки меъморчилик унсурларидан ҳам унумли фойдаланишга урунган. Унинг «Деним» номли либослар тўпламида кўхна Бухоро ва Самарқанд меъморчилик орнаменти турли кўринишда тилла ва заррин рангларда муҳр (печат) услубида намоён бўлган. Қадимдан фақатгина уй жихозларида, яъни кўрпа, кўрпача, ёстиқ жилди, дастурхон сифатида ишлатилиб келинган духоба матосидан тикилган замонавий устки кийимларнинг ёқа, этак қисми ва бўй баробар орнаментлар билан тўлдирилган. Либослар конструктив мураккаб ечимга эга. Тўпламда учта аёллар либоси бўлиб, улар ўзбек кўйлакларининг классик бичимида қадимги крепдишин матосидан тикилган. Кокеткали, кўкракбурмали, ёқали, тирсаккача енгли анъанавий кўйлаклар тиззагача узунликда қилиниб, узун кенг юбка билан тўлдирилган.

Дизайнер С.Амир ўз услубининг шаклланиши устидаги ишлар экан бевосита авангард санъатининг ғояларига мурожаат қилмоқда. Унинг ижодида миллий йўналишдаги либослардан ташқари авангард анъаналари шаклланган либослар туркуми алоҳида ўрин эгаллайди. «Ғамгин сахро» ва «Завқланиш» коллекциялари халқаро танловларда юқори баҳоланган. Тўплам эртакнамо руҳда ишланган бўлиб, унда чўлда яшовчи жонли ва жонсиз табиат вакиллари асосий қаҳрамон қилиб олинган. Ранглар гаммаси, конструктив ечим, моделлаш усули, матоларнинг танланиши орқали чўлдаги чақиртика наклар оддийгина ўсимлик

эмас, балки шу маконнинг ҳимоячиси, жониворлар учун ҳаёт манбай эканлиги очиб берилган.

С.Амирнинг «Ҳаёлот» номли либос тўпламини миллий матоларга янгича назар ташлаб, стиллар аралашувини, яъни ноанъанавий бичим ва европача нигоҳ орқали яратди. Бундай услубларнинг аралашуви лиbosларга алоҳида этник «шик» билан дунёвий ўзгача ҳиссиётни беради. Либосда миллий мато билан замонавий бичим, готик услубини эслатувчи ўзига хос ёрқин рангли оёқ кийим, кўкрак қисмида қизил шойидан тикилган корсет, алоҳида атласдан тиктилган бурмали кенг ҳажмдаги билаккача енг, атласдан украин миллий эркаклар кенг бурмали шарварини эслатувчи тиззагача бўлган юбка–иштон, якунловчи детал миллий шокилали, зарқалдоқ рангли шойи рўмол ягона композицияда берилган. Бу ерда қизил, сариқ, яшил ранглар гаммаси контраст ўйини орқали берилиб, миллий матога янги ҳаёт бахш этилган. Кўкрак қисмида корсетнинг қизил фонида тилла рангли кашта тикилган [1. – С. 156].

Дизайнер А.Маньшаев ижодини ҳам авангارد йўналишиз тасаввур қилиш қийин. Ҳатто талабалик йилларида яратган лиbosлари туфайли авангардчи деб ном олган. Унинг ишларида енгил киноя бўлиб ноанъанавий тарзда яратилган. Рассом фантазиясининг чегараси йўқ, фантазия уни аллақандай нотабиий космик дунёларга олиб кетганини лиbosлари тимсолида кўриш мумкин. «Алёнушка» номли коллекциясида ретро ва модерн стиллари аралашуви ҳамда инверсия методи қўлланган. Ижод қилиш жараёнида бир нарсадан тескари иш қилиб ғоя топиш, масалан, қонун-қоида бўйича кийимда тикилиши керак бўлган деталларнинг ўз ўрнида эмас умуман бошқа жойларга ўрнатилиши. Коллекция мўйнадан ишланган. Қадимги рус лиbosлари деталлари ўзига хос ечимга эга. Мўйнадан кийим тикилаётганда худди бархат сингари бир товланишга эга йўналиш бўйлаб бичилиб тикилади. Бунинг натижасида либосда ягона яхлит колорит хосил бўлади. Алексей ишларида бунинг акси олиниб, ҳар бир детал алоҳида рангда товланиши лиbosнинг нотабиийлигини янада оширомоқда. Лиbosлардаги чоклар ва этак қисмларига ишлов берилмаган. Бичимдаги ассиметрик холат унинг асосий хусусиятларидан бири. Кийимларнинг этак қисми ҳар хил узунликда. Ансамблнинг тузилишида ҳам ажойиб мутаносиблик кузатилади. Мўйнадан тикилган калта – мини юбкалар, рус қалпоғи – папахага ўхшаш шапкалар ўзига хос интерпретацияда берилган.

А.Маньшаев “Kanishka” бренди остида ижод қилувчи исёнкор дизайнер, у яратадиган тўпламлари билан томошибинларни ҳайратга солади. Дизайнер бир хил ранг схемасининг монахром тусли турли хил тўқималардан фойдаланган. У жуда аниқ белгиланган силуэтни сақлаб, визуал жиҳатдан бепарво ва баъзан

шафқатсиз шаклга эътибор қаратади. Бугунги кунда бу чарм ва мўйна каби табиий материаллар билан жасоратли ва муваффақиятли тажриба ўтказаётган оз сонли ўзбек дизайнерларидан биридир [7. – С. 33].



*Алексей Маншаев ижодидан намуналар*

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ҳам замонавий моданинг турли йўналишларида изланишлар олиб бормоқдалар. Либос дизайнни кафедрасида таҳсил олган Жамила Зокирова 2006 йил 18 январда Тошкентдаги консерватория биносида институт томонидан ташкил этилган “Шарқдан нур” номли санъат синтези байрам кечасида “Оп-арт” номли коллекцияси билан қатнашди. Композиция авангард санъатини ифодаловчи воситалар қўлланиши асосида қурилган, яъни бичимдаги асимметрик ечим мисолида. Яна бир ифодаловчи янги восита оқ ва қора ранглар контрастида кўрсатилган. коллекцияга монанд танланган ном ҳам ундаги ёритилган ғояни очища авангард санъати анъаналаридан профессионал даражада фойдаланилганлигини билдиримоқда. “Модада “Оп-арт” йўналиши жуда ҳам машҳур ва талабамиз унга мувофиқ равишда ишлади. Биз бу коллекция устида узоқ изланишлар олиб бордик. Машҳур дизайнер Вазарелли ишларини мукаммал ўрганипб чиқиб, унинг асосида талаба ушбу коллекцияни яратди. Бу коллекция талабанинг магистрлик диплом иши. Костюмда иллюзия ҳолати бўлиб, оқ ва қора рангли шаклларнинг кичрайиши ёки катталашув ўйини акс этган” [1. – С. 201]. Жамиланинг ушбу коллекцияси замонавий бичимда бўлиб, куртка, юбка, кофталар мажмуасидан иборат. Моделлашда асимметрик бичим қўлланилиши ва оқ-қора шаклларнинг моҳирона жойлашуви жозиба бериб турибди.

2006 йил 17 февралда Ўзбек либоси галереясида “Болажонлар-широнтойлар” номли Республика болалар либоси фестивалида Камолиддин

Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари О.Хван, Д.Сатарова, О.Рахмонова “Дадил Олам” коллекцияларини намойиш этдилар. Ушбу коллекция фестивалнинг “Дадил ечим” номинациясида ҳайъят аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Ёш дизайнерлар трикотаж матосидан фойдаланиб, нотабиий кўринишдаги лиbosларни яратганлар. Инверсия методи ёрдамида майка ва юбкаларни турли вариантларда гавдалантирилар. Гоҳида майкалар юбканинг оддийгина безак деталига айланиб юбка белбоғига қистирилган холда юбка устида эркин осилиб турибди ва шу сингари бир қатор ғайритабиий ходисалар дизайнеларнинг авангард йўналишида дадил қадам ташлаётганликларидан далолат беради.

Халқ санъати миллий маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, бадиий днёқаришнинг шаклланишида фаол таъсир этувчи ва профессионал санъатни бойитувчи омилдир. Либос моддий маданиятнинг ўзига хос кўриниши сифатида этник тарихни ўзида мужассам этган анъана, ижтимоий муносабатлар ҳамда мафкуранинг баъзи элементлари, чунончи – диний эътиқод, эстетик нормаларни ўзида акс эттиради [2. – С. 13]. Шу жиҳатдан халқ кийимиға унинг этник тарихи, маданияти ва бошқа халқлар билан умумий ўхшаш жиҳатларини ўрганувчи манба сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Қадимдан шаклланган миллий анъаналарни ўзлаштириб, чукур негизини билган холда замонавий либос дизайнода фойдаланиш ёш дизайнерлар учун муҳим вазифалардан биридир. Айнан кенг дунёқарашга эга бўлган, тарихий манбаларни ўзлаштирган ёшлар нафақат либос дизайнни келажагини, балки халқ маданиятини ҳам белгилайди.

Замонавий модадаги стиллар ҳақида сўз борганда минимализм ўрнига кўп миқёсли, эклектик, услублар аралашуви янги стил йўналишларини юзага келтириди. Классик стили ўзининг консервативлигини йўқотиб, креативликни ҳосил қилиб, бир неча стилларнинг аралашувини кўриш мумкин. Замонавий либос дизайнини ўрганиб, жаҳон либос дизайнни билан таққосланганда миллий ўзига хослик аниқланди. Бунда бетакрор миллий матоларнинг ўрни катта. Матоларни чукур ҳис қилиб, улардан турли услугуб ва йўналишларда либослар яратиш ҳар бир дизайнердан маҳоратни талаб қиласди.

Ўзбекистон худудида турли сиёсий жараёнларнинг ривожланиши негизида кўплаб халқлар маданияти этногенезиси уйғунлашуви сезилади. Шунга қарамай ўзига хос анъанавий хусусиятлар сақланиб қолиши замонавий модани, шу жумладан кийимдаги модани идрок этиш учун ҳам амал қиласди. Бугунги кунда анъанавий жамиятлар учун костюмлар соҳасидаги изланиш механизми жуда юзаки ўрганилган.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ўзбекистон дизайннерлари ижодида авангард анъаналари турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Мустақиллик шарофати билан эришилган жамият ҳаётидаги эркинлик санъатда ҳам эркин ижодга йўл очди. Ижодкорлар фантазиянинг битмас-туганмас манбаларидан хоҳлаганларича фойдаланиб либослар яратмоқдалар. Замон талабини чуқур ҳис қилган ҳолда турли тажрибалар ўтказмоқдалар. Албатта бу ерда жаҳон мода олами билан узлуксиз боғлиқликнинг ҳам ўрни катта. Ахборот оқимидан унумли фойдаланиб, ўз либосларида авангард анъаналарини қўллаб унинг янги ўзига хос кўринишларини яратмоқдалар. Қувонарли томони шундаки, кўплаб хорижий давлатларнинг мода оламидаги эксперталар ўзбек дизайннерлари ишларини юқори баҳоламоқдалар. Авандард йўналиши XXI асрнинг кейинги ўн йилликларида ҳам янада жадал ривожланишда давом этмоқда.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

### КИТОБЛАР

1. Мирзаназарова Э.Я. XX аср Ўзбекистон либос дизайнни: асосий босқичлар ва ривожланиш тамойиллари. Монография. Ташкент, 2021. – С. 233. (Mirzanaazarova E.Ya. Clothing design of Uzbekistan in the XX century: the main stages and principles of development. Monograph. Tashkent, 2021. - p. 233.).
2. Нестеренко О. Краткая энциклопедия дизайна. М.: Молодая Гвардия, 1994. – С. 336. (Nesterenko O. Brief encyclopedia of design. M.: Young Guard, 1994. - p. 336).
3. Рунге В.Ф., Сеньковский В.В. Основы теории и методологии дизайна. Учебное пособие. М.: МЗ-Пресс, 2003. – С. 256. (Runge V.F., Senkovsky V.V. Fundamentals of the theory and methodology of design. Tutorial. M.: MZ-Press, 2003. - p. 256).

### ЖУРНАЛЛАР

1. Шиповская Е. Юксак мода йўлида // Санъат . №2. - Ташкент, 1999. – С. 30-32. (Shipovskaya E. On the way to high fashion // Art. №2. - Tashkent, 1999. - p. 30-32)
2. Камилова X.X.. “Триумфальный дебют узбекских модельеров”// BellaTerra. №1. – Ташкент, 2004. – С. 86-89. (Kamilova Kh.Kh.. “Triumphant debut of Uzbek fashion designers”// BellaTerra. No. 1. - Tashkent, 2004. - S. 86-89).

3. Тошпўлатова Н. Лола яратган либослар жозибаси. // Санъат №1, - Ташкент, 2001. – С. 21. (Toshpulatova N. The charm of the dresses created by Lola. // Art №1, - Tashkent, 2001. - p. 21)
4. Жўраева Л. Санъат. №1. – Ташкент, 2000. – С. 22. (Jo‘raeva L. Art. №1. - Tashkent, 2000. - p. 22).
5. Мирзаназарова Э.Я. Дизайн ягона – қарашлар турлича. // Санъат №3, - Ташкент, 2014. – С. 30. (Mirzanazarova E.Ya. The design is unique - the views are different. // Art №3, - Tashkent, 2014. - p. 30)
6. Белла Терра. №2. - Ташкент, 2010. – С. 33. (Bella Terra. №2. - Tashkent, 2010. - p. 33).
7. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллик рассомлик ва дизайн институти Либос кафедраси мудири В.А.Чурсина билан бўлга сұхбатдан. 15 май 2006 й. (From an interview with VA Chursina, Head of the Clothing Department of the National Institute of Art and Design named after Kamoliddin Behzod. May 15, 2006).